



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 1 октябрь, № 207 (7709)

Пайшанба

Сайтнинг ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШДА КАТТА КУЧ, ТАЯНЧ ВА СУЯНЧИМИЗДИР



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ОСТАНАСИ МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ

Тошкентдаги Халқаро конгресс марказида 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Байрам тадбирида ўқитувчи ва мураббийлар, олимлар, парламент ва ҳукумат вакиллари иштирок этди. Шунингдек, худудлардаги соҳа фидойилари маросимни Қорақалпоғистон ва вилоятлардаги студиялардан кузатиб борди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, устозларни ушбу айём билан қутлади.

Таъкидлаш жоизки, ушбу байрам илк бор давлат раҳбари иштирокида ўтди. Бу — таълим ва тарбия масаласи алоҳида устувор йўналиш даражасига кўтарилганининг яққол далили.

— Биз ҳар биримиз ҳаётда қандай муваффақият ва натижаларга эришган бўлсак, бу ютуқларда сизларнинг беқиёс ҳиссангиз борлигини доимо миннатдорлик билан эътироф этамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ўқитувчилик шарафли, айни пайтда ўта масъулиятли ва мураккаб касб. Юртимизда мазкур касб эгаларига ҳурмат ва эътиром кўрсатиш борасидаги саъй-ҳаракатлар педагоглардан ўз ишига янада садоқат ва фидойилик билан ёндашишни, кенг ва замонавий тафаккур соҳиб бўлишни талаб этмоқда. Мактабга таълим ҳамда олий ва ўрта махсус таълим соҳасида амалга оширилган ишларни ҳам алоҳида эътироф этиш жоиз.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар! Қадри муаллимлар! Муҳтарам устозлар!

Бугун сиз, азизлар билан 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунини — умумхалқ байрами арафасида учрашиб турганимдан бахтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни, жойлардаги студияларда ўтирган фидойи устозларимизни, “ойна жаҳон” орқали бугунги тантанали маросимни кўриб турган барча юртдошларимни ушбу кутлуғ айём билан самимий муборакбод этаман.

Биз ҳар биримиз ҳаётда қандай муваффақият ва натижаларга эришган бўлсак, бу ютуқларда сизларнинг беқиёс ҳиссангиз борлигини доимо миннатдорлик билан эътироф этамиз. Шу боис мана шундай қувончли кунда барча шоғирларнинг, бутун халқимиз номидан сизларга юксак ҳурмат-эътиромимиз, эзгу тиллашларимизни билдириб, чин дилдан таъзим қиламиз.

Улғу шоиримиз мавлоно Фурқат илм-маърифатни кўнглиларингиз сурури, кўраб кўзларингиз нури, деб таърифлаганини ҳаммамиз яхши биламиз.

Дарҳақиқат, миллионлаб фарзандларимиз қалбига илм-фан зиёсини сингдириб, уларни эл-юртга муносиб инсонлар этиб тарбиялаётган захматкаш ва олижаноб устозларимизга ҳар қанча тахсинлар айтсак, арзийди.

Мен бугун билдирадиган фикрларни, аввало, ҳурматли муаллим ва ўқитувчиларга, қадри тарбиячиларга, барча жонқур зиёлиларимизга йўлланган мурожаат сифатида қабул қилишингизни истардим.

Азиз дўстлар! Хабарингиз бор, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқимда мен бошқа кўпгина муҳим масалалар қаторида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенцияни қабул қилишга оид Ўзбекистон ташаббусига яна бир бор жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратдим.

Ёшлар ҳуқуқи деганда, биз, биринчи навбатда, уларнинг тинч ва соғлом яшаш ҳамда таълим олишга бўлган тўлақонли ҳуқуқини тушунамиз. Шу боис униб-ўсиб келаётган ёш авлоднинг баркамол бўлиб вояга етиши, сифатли ва мукамал таълим олишини таъминлаш биз учун ҳамisha устувор вазифа ҳисобланади.

Бугун дунё давлатлари қатори Ўзбекистон ҳам коронавирус пандемиясини бошидан кечирётган ҳозирги мураккаб даврда мамлакатимиз таълим тизими ҳам жиддий синовга дуч келди. Бугунги қийин шaroитга қарамастан, давлатимиз томонидан ўз вақтида қўрилган чора-тадбирлар ва сизларнинг фидокорона меҳнатингиз билан бордадаги ишларимиз изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, қисқа муддат ичида юртимизда “онлайн мактаб” лойиҳаси ва масофавий таълим жорий этилди.

Яқинда республикамизнинг ақсарият мактабларида, қарантин қоидаларига амал қилган ҳолда, янги ўқув йили бошланди. Эзгу аънаминизга мувофиқ, қарийб 650 минг нафар 1-синф ўқувчисига Президент совғалари сифатида 72 миллиард сўмлик ўқув қуроллари топширилди.

Шунингдек, моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож, боқувчисини йўқотган oilаларнинг фарзандлари ва ногиронлиги бўлган болаларга киши кийим-бош тўпламлари, мактаб формаси ва ўқув қуролларидан иборат 426 миллиард сўмлик моддий кўмак берилгани ҳам ана шундай эзгу ишларимиз қаторига кирди.

Айни вақтда, бугунги вазиятдан келиб чиққан ҳолда, ўқувчи ва педагогларнинг саломатлигини асраш масаласи барчамизнинг алоҳида эътиборимиз марказида турибди. Шу мақсадда мактабларни зарур тебибий ва антисептик воситалар билан таъминлаш учун Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан 17 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Хабарингиз бор, бу йил 1,5 миллионга яқин ёшларимиз олий ўқув юртиларига кириш учун ҳужжат топширди. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 40 фоизга кўп демакдир. Биз мана шундай оғир вазиятда тест синовларини очик стадионларда, эпидемиологик хавфсизлик талабларига қатъий амал қилган ҳолда, муваффақиятли ўтказишга эришдик.

Буюк давлат арбоби Индира Гандининг “Битта қиз болани ўқитсангиз, бутун oilани ўқитган бўласиз”, деган сўзларида катта ҳаётий ҳақиқат борлигини албатта ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шунинг учун жорий йилда қилмоқчи бўлган яшаётган кам таъминланган oilаларга мансуб қизларимиз олий ўқув юртиларининг кундузги бўлимида давлат гранти асосида ўқишлари учун 940 та ўрин ажратдик.

Ўйлаيمانки, қизларимиз учун яратилган бундай қўшимча имконият яна юзлаб oilаларга билим ва маърифат нурини олиб киради. Бу, ўз навбатида, ёш қизларимизнинг келажакда жамият учун муносиб касб эгалари бўлиб камол топишига пухта замин яратади. Биз бу борадаги ишларимиз кўламини бундан кейин ҳам янада кўпайтириб борамиз.

Ҳурматли ватандошлар! Ҳаммамизга аёни, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллиятни буюк қиладиган куч ҳам, бу — илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истикболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ.

Буюк юнон олими Аристотелнинг “Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қилди”, деган сўзлари бор.

Қаранг, бу фикрлар миллодан аввал айтилган. Демак, инсоният онгли ҳаёт кечира бошлаган даврдан буён таълим ва тарбия масаласи доимо долзарб аҳамият касб этиб келмоқда. Бир ўйлаб кўрайлик, дунёдаги ривожланган давлатлар қандай қилиб юксак тараққиёт ва турмуш фаровонлигига эришмоқда? Энг аввало, илм-фан ва таълимга қаратилган улкан эътибор туфайли эмасми?

Шунинг учун ҳам кейинги йилларда юртимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, янги Ўзбекистонни яратиш мақсадида барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам туб ислохотлар олиб борилмоқда.

Бу борада ўнлаб муҳим Фармон, қарор ва дастурлар қабул қилингани сизларга яхши маълум. Мана, кунни кеча тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ушбу соҳа тараққиётида, ҳеч шубҳасиз, янги уфқларни очиб беради. Қонунга

мувофиқ, таълим олишнинг масофавий, инклюзив шакллари жорий қилинди, таълим ташкилотларига хорижий муассасалар билан кўшма факультет ва ўқув марказлари ташкил қилишга рухсат этилди. Шунингдек, ўқитувчиларга муаллифлик дастури ва ўқитиш услубларини жорий этиш, замонавий педагогик шакллар, ўқитиш ва тарбия усулларини эркин танлаш ҳуқуқи берилди.

Биз кенг қўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Ўйғонинг даври, яъни учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгилдик. Бу ҳақда гапирар эканмиз, аввало, учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз, бутун жамиятимиз чўқур англаб олиши керак.

Тарихга назар солсак, Буюк Ипақ йўлининг чорраҳасида жойлашган она заминимиз азалидан юксак цивилизация ва маданият ўноқларидан бири бўлганини кўраемиз. Халқимизнинг бой илмий-маданий мероси, тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, бебаҳо меъморий обидалар, нодир қўлималар, турли ороишқалар давлатчилик тарихимизнинг уч минг йиллик теран илдизларидан далолат беради.

Мен юқорида Аристотелнинг фикрларини бежиз эсламадим. Ҳаммамизга яхши маълум, антик даврда Юнонистонда ёнган илм машъаласи тўққизинчи — ўн иккинчи асрларда Марказий Осиё ҳудудига қайта поларди. Бу даврда юртимиз ҳудудидан биринчи Ренессанс юзага келди ва у бутун дунё тан оладиган машҳур даҳоларни етиштириб берди. Хусусан, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий сингари ўнлаб буюк алломаларимизнинг жаҳоншумул илмий-иқдодий кашфиётлари умумбашариёт тараққиёти ривожига беқиёс таъсир кўрсатди.

“Ислол маданиятининг олтин асри” деб эътироф этиладиган бу даврда она заминимиздан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абул Муъин Насафий каби улғу уламолар бутун муълмон оламнинг фахру ифтихори ва чексиз гурули ҳисобланади.

Ўн бешинчи асрда соҳибқирон Амир Темур бобомиз асос солган ва унинг муносиб авлодлари давом эттирган муҳташам салтанат юртимизда иккинчи Ўйғонинг, яъни иккинчи Ренессанс даврини бошлаб берди. Бу даврда Қозисода Румий, Мирзо Улугбек, Ғийбатидин Коший, Али Қушчи сингари беназир олимлар, Лутфий, Сақокий, Хофиз Хоразмий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби мултош шоир ва мутафаккирлар майдонга чиқди. Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар, Маҳмуд Музаффи, Камолиддин Беҳзод сингари мусаввирлар, қўллаб ҳатто ва соҳнадалар, мусикашунос ва меъморларнинг шурҳати дунёга ёйилди.

Донишманд халқимиз ҳар икки Ренессанс даврида жаҳоннинг энг илғор, тараққий этган халқлари қаторида бўлгани барчамизга улкан гурур ва ифтихор бағишлайди.

Бир ўйлаб кўрайлик, аҳдодларимиз бундай юксак чўққиларга қандай эришганлар? Улар, энг аввало, жаҳолатга қарши маърифат байроғини баланд кўтариб, ўз ақл-заковати ва салоҳияти-

ни башариёт яратган илм-фан ютуқларини чўқур ўрганиш ва бойитишга бағишлаганлар.

Тан олиш керакки, биз ана шундай бебаҳо меросга кўпинча фақат тарихий ёдгорликка қарагандай муносабатда бўлиб келмоқдамиз. Бундай тенгсиз бойликни амалий ҳаётимизга татбиқ этишда бепарволик ва эътиборсизликка йўл қўймоқдамиз. Ваҳоланки, бундай ноёб мерос камдан-кам халқларга насиб этган. Биргина Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти фондларида сақланаётган 100 мингдан ортиқ нодир қўлималарга дунё аҳли ҳавас қилди. Биз бу ҳақиқатни ҳар томонлама теран англашимиз зарур.

Буюк аҳдодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий меросини биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамisha ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим. Аввалларим, миллий таълим тизимини ана шундай руҳ билан суғоришимиз керак. Бунинг учун олим ва мутахассисларимиз, ҳурматли уламо-ларимиз бу маънавий хазинани бугунги авлодларга содда ва тушунарли, жозибали шаклларда етказиб беришлари зарур.

Шу муносабат билан Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Мусулмонлар идораси, Халқаро ислом академияси, Ислом цивилизацияси маркази буюк мутафаккирларимизнинг илмий-маърифий ва маданий меросини фундаментал асосда нашрга тайёрлаш, чоп этиш ва кенг оммага етказиш, шунингдек, уни ўрганиш методикасини ишлаб чиқиб, амалда қўллаш чора-тадбирларини кўрсин. Бу масалага Бош вазир ўрин-босари Б.Мусаев масъул этиб белгиланади.

Яна бир масалага алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман: минг афсуски, ўн олтинчи асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Марказий Осиё заминидан ички уруш ва низоолар, ҳокимият учун кураш авж олди. Айирмачилик ва маҳаллийчилик кучайди, маърифат ўрнига жаҳолат илдиз олди. Натижада бир пайтлар гуллаб-яшнаган ўлка-мизда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий инқироз юзага келди. Илм-фан ва тафаккур машъаласи сўна бошлади. Юртимизнинг ўн тўққизинчи асрга келиб қарамликка тушиб қолишда айни шундай салбий ҳолатлар асосий сабаб бўлгани ҳаммамизга яхши аён.

Кўпчилик зиёлилар қаторида мен ҳам бир фикрни ҳамisha катта армон билан ўйламан: мамлакатимизда учинчи Ренессансни йилғирманчи асрда маърифатпарвар жадид болларимиз амалга оширишлари мумкин эди. Нега деганда, бу фидойи ва жонқур эзотлар бутун умрларини миллий ўйғонш гоёсига бағишлаб, ўлкани жаҳолат ва қоқоқдан олиб чиқиб, миллиятимизни фафлат ботқоқдан қутқариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этдилар. Шу йўлда улар ўзларининг азиз жонларини ҳам қурбон қилдилар. Улар “Илмдан бошқа наҳот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас” деган ҳадиси шарифни ҳаётий эътиқод деб билдилар. Миллий истиклол, тараққиёт ва фаровонликка, аввало, маърифат орқали, дунёвий ва диний билим, замонавий илм-хунарларни чўқур эгаллаш орқали эришиш мумкин, деб ҳисобладилар.

(Давоми 2, 3-бетларда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ МАЪРИФАТПАРВАР ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ НАМОЯНДАЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз тарихининг гоят мураккаб даврида — XX аср бошларида ўзининг маърифатпарварлик фаолияти ва фидокорона хизматлари билан миллий таълим-тарбия тизимини яратиш ҳамда юртимиз истиклоли, халқимизнинг озодлиги ва эркинлиги, келажак авлодларнинг обод ва фаровон ҳаётини таъминлашга қўшган беқиёс ҳиссасини инобатга олиб, куйидагилар «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин:

Абдулла Авлоний (мархум) — маърифатпарвар адиб, педагог, жамоат арбоби

Маҳмудхўжа Бехбудий (мархум) — Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг асосчиларидан бири, адиб, педагог ва олим

Мунаввар қори Абдурашидхон (мархум) — атоқли маърифатпарвар мураббий, адиб, муҳаррир ва жамоат арбоби

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 30 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда таълим тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, соҳага доир ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, ўқув-тарбия жараёнига илғор хорижий тажрибалар, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, ўқувчиларга илм-фан асослари ва замонавий касб-хунарларни ўргатиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдаги катта хизматлари, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларни она Ватанга муҳаббат, истиклол гоғларига садоқат руҳида тарбиялаш йўлидаги ибратли фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон, ордон ва медаллар билан мукофотлансин:

«Буюк хизматлари учун» ордени билан

Жумаев Тўхтамурод Муртазаевич — Қорақўл туманидаги халқаро математика мактаби фахрий директори, Бухоро вилояти

Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси фахрий унвони билан

Абдиев Бахтиёр Бобоназарович — Китоб туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби-интернатининг математика факи ўқитувчиси, Қашқадарь вилояти Юлдашева Файзхон Араповна — Норин туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Наманган вилояти

(Давоми 3, 4-бетларда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

СОЛИҚ МАСЛАҲАТИ СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда илғор хорижий тажриба асосида солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ҳамда солиқ тўловчиларнинг солиқ органлари билан ўзаро муносабатларида шафдофликни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга солиқ маслаҳати давлатнинг янги солиқ сиёсатини самарали амалга оширишининг профессионал институти ва солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш масалаларида солиқ тўловчиларнинг ишончли ёрдамчиси сифатида етарлича шаклланди.

Давлат томонидан тартибга солиш, солиқ маслаҳатчиларини тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, улар касбининг ҳуқуқий мақоми ва нуфузини мустақамлаш, солиқ тўловчилар ҳуқуқларига риоя қилинишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси билан солиқ маслаҳатчилари ташкилотларида давлат солиқ ва боғхона хизмати органлари билан муносабатларда солиқ тўловчининг манфаатларини ифодалаш; солиқ ҳисоботини солиқ тўловчи номидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетини орқали электрон ҳужжат тарзида тақдим этиш; давлат солиқ хизмати органларининг талабномаларида кўрсатилган, аниқланган тафовутларнинг асосномаси сифатида ҳулосаларни солиқ тўловчи номидан давлат солиқ хизмати органига тақдим этиш бўйича қўшимча ҳуқуқлар берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

(Давоми 4-бетда).

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШДА КАТТА КУЧ, ТАЯНЧ ВА СУЯНЧИМИЗДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Бу даврда Абдулла Авлоний, Махмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Иброт домла, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ашурали Зоҳирий, Ҳожи Муин ва бошқа яна юзлаб улуг инсонлар миллий уйғониш ва миллатпарварлик ҳаракатининг олдинги сафларига турдилар. Улар янги усул мактаблари билан бир қаторда, одамларнинг дунёқарашини ва турмуш тарзини ўзгаришига қаратилган газета-журналлар, нашриёт ва кутубхоналар, театрлар ташкил этилдилар.

Минг афсуски, жадид боболаримиз ўз олдига қўйган эзгу мақсадларини амалга оширишга мавжуд вазият, иқтимолий тузум йўл бермади. Маърифат фидойилари ўша даврнинг турли жохил кимсаларининг тухмат-маломатларига дучор бўдилар. Аввал чор ҳукумати, кейинчалик совет ҳукумати уларни аёвсиз қувган ва қатғон қилди. Шу тариқа миллий уйғониш ва тарқийёт ҳаракати эл-юртимиз учун армон бўлиб қолди.

Ватанимиз озодлиги ва халқимиз бахт-саодати йўлида жонини фидо қилган жадидларнинг илмий-маърифий, адабий-бадий мероси биз учун бугун ҳам бекўёқ аҳамиятга эга.

Биргина мисолга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Бу йил таваллудининг 145 йиллиги нишонланаётган улуг маърифатпарвар бобомиз Махмудхўжа Бехбудий ўз вақтида **Биз учун икки эмас, тўрт тилни билиш зарур**, деб бонг урган эди. Бехбудий бобомизнинг ушбу давъати ҳозир ҳам ғоят долзарб бўлиб турибди.

Қадрли муаллимлар, мен бугун Ўқитувчи ва мураббийлар байрами муносабати билан бир гуруҳ ватандошларимизни мукофотлаш тўғрисидаги Фармонни имзоладим. Ана шундай юртдошларимиз орасида Ватанимиз истиқлоли, халқимизнинг озодлиги ва эркинлиги, обод ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида фидокорлик кўрсатиб, миллий таълим ва тарбия тизимини яратишга беқўёқ хисса қўшган Абдулла Авлоний, Махмудхўжа Бехбудий ва Мунавварқори Абдурашидхонов **“Буюк хизматлари учун”** ордени билан тақдирланганлигини сизларга ва бутун элимизга мамнуният билан айтмоқчиман.

Ҳозирги вақтда мустабид тузум даврида сиёсий қатғон қурбони бўлган отабоболаримизнинг ҳаёти ва фаолиятини, хусусан, жадидлар меросини янада чуқур ўрганиш ва уларнинг хотирасини абадийлаштириш бўйича қарор лойиҳаси тайёрланмоқда.

Хурматли дўстлар!

“Оққан дарё — оқкаверди”, дейди доно халқимиз. Бугун буюк аждодларимизнинг бебаҳо меросига таяниб, янги Ренессанс пойдеворини яратиш учун бизда барча имкониятлар мавжуд, дейишга тўла асосларимиз бор. Ҳамама гап ана шу имкониятлардан қай даражада оқилнона фойдалана олишимизга боғлиқ.

Бу фикрларга бир мисол келтирмоқчиман.

Биласизлар, Қорақўл туманида ҳаммамизга маълум бир мактаб бор. Бу мактабни машҳур қўлдан фидойи муаллим Тўхтамурод Жумаев номини ҳам барчамиз яхши биламиз. Бу аjoyиб педагог ўзининг тинимсиз изланиши, янги таълим методикаси билан оддий бир қишлоқ мактабини республика даражасидаги машҳур таълим даргоҳига айлантирди. Ҳолбуки, ушбу мактаб Бухоронинг олис чўл туманида қўйлашган бўлиб, замонавий шароитга, жай имкониятларга ҳам эга эмас эди.

Бугун ушбу мактаб битирувчиларининг 95 фоиздан ортиғи олий ўқу юртиларга ўқишга киряпти. Халқор олимпиадалардан энг кўп медал олиб келаятганлар ҳам айнан шу мактабнинг ўқувчилари ҳисобланади. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан, ҳатто пойтахт Тошкентдан ҳам одамлар ўз фарзандини Қорақўлга олиб бориб, ана шу мактабга ўқишга берапти.

Биз бу таълим маскани эришаётган катта ютуқларни инобатга олиб, ўтган йилги уни Халқор математика мактабига айлантирдик.

Тўхтамурод домла ҳам, жадид боболаримиз каби, тинимсиз ва фидокорона меҳнат қилиб, ҳозирги даврнинг янги усул мактабини яратишга эришди.

Мана, бугунги кунимизнинг ҳақиқий маърифатпарварли, давримизнинг Авлонийси, Бехбудий домласи, Мунавварқориси!

Бундай улкан натижага эришиш учун албатта ўзига хос ўқитиш тизими бўлиши керак. Айни вақтда бундай ютуқлар замирида инсоннинг ўз касбига, Ватанига меҳри ва садоқати, юксак масъулият туйғуси муккасман, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мана шу мактабда Тўхтамурод ака бошчилигида ҳар бир ўқитувчи шогирдларини ўз боласидай қўрган, бу ерда чинакам ижодий мусобақа муҳити шаклланган ва бу ишлар бугун ўзининг муносиб натижасини бермоқда.

Моҳир педагог Тўхтамурод Жумаев таълим-тарбия соҳасида эришган улкан ютуқлари ва ибратли фаолияти учун Президент Фармонига асосан давлатимизнинг юксак мукофоти — “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирландилар.

Фурсатдан фойдаланиб, Тўхтамурод акани ва мукофотга сазовор бўлган барча ўқитувчи ва мураббийларимизни ўз номидан, халқимиз номидан самимий муборакбод этман.

Хурматли йиғилиш иштирокчилари, шу ўринда савол туғилади: Қорақўл мактаби биз учун замонавий мактабнинг ҳақиқий андозаси эмасми? Нима учун Халқ таълими вазирилик унинг ноёб тажрибасини етарлича омаллаштирмапти? Нима учун бошқа мактаб директорлари бу таълим

даргоҳидан ибрат олмапти? Халқ таълими вазири Ш.Шерматов нега уч йилдан буюн бу жиддий масалага етарлича эътибор бермапти?

Афсуски, ҳаммамиз “Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ” деб, бепарво бўлиб юрибмиз.

Нима учун бошқа вилоятларда, дейлик, Андижонда, Фарғона, Самарқанд, Хоразм ёки Қаршида, Жиззах ва Сирдарёда бундай мактаблар йўқ?

Ваҳоланки, бугунги кунда бизга мана шундай юзлаб мактаблар, ўз касбининг чинакам устаси ва фидойисини бўлган минглаб мураббийлар сув билан ҳаводай зарур.

Шу муносабат билан Халқ таълими вазирилик ҳудудлар раҳбарлари билан бир-галликда ҳар бир туманда камидан биттадан мана шундай мактаб яратиш чораларини кўриши зарур.

Президентнинг ҳар бир ҳудуддаги вакиллари, ҳар бир вилоят ва туманининг етакчилари — бу ҳокимлар. Маълум академиясининг бешиғи, Муҳаммад Хоразмий юрти бўлган Хоразм, Мирзо Улугбек камолга етган Самарқанд, дунёга Бобур Мирзонини берган Андижон, Аҳмад Фароний Ватани бўлган Фарғона вилоятларининг ҳокимлари бугун бу оқоқлик ва бепарволик тўғрисида нима дейдилар?

Ўзингиз раҳбарлик қилаётган вилоятларда мана шундай намунали мактаблар ташкил этиш учун сизларга олти ой муҳлат берамиз.

Албатта, янги мактабларни қуриш, чиройли қилиб жиҳозлаш, бешаз мумкин, лекин уларни замонавий таълим-маълум, илмий-маърифат, тарбия билан тўлдириб қўлимиздан келадими?

Бу долзарб масала устида ҳокимлар билан Вазирлар Маҳкамаси, мутасадди вазириклар ва идоралар раҳбарлари биргаликда жиддий ишлашлари талаб этилади. Азиз дўстлар!

Биз учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазиға сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз.

Биз мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт ўзвий ҳалқаси, деб биламиз. Ғоҗа тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Уйғонинг даврининг тўрт таянч устаси, деб ҳисоблаймиз.

Мен ишонман — хурматли ота-оналар бу ташаббусни албатта қўллаб-қувватлаб, янги Ренессанснинг бешинчи ҳалқаси, бешинчи устаси бўладилар. Ва бу маънавий-маърифий ҳаётимиздаги энг мухташам ҳисоб устаси бўлди, десам, ўйлайманки, сизлар тўла қўллаб-қувватлайсизлар.

Хурматли анжуман иштирокчилари! Барчангиз хабардорсиз, бугун юртимизда бир-бири билан чамбарчас боғланган муҳим соҳаларни, яъни мактабгача таълим, мактаб ва олий таълим тизимлари, илмий-тадқиқот муассасаларини ривожлантириш бўйича беқўёқ ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Лекин сир эмас, мактабгача таълим соҳаси бу борадаги ислохотлардан ақин вақтгача четда қолиб келди.

Аслида, фарзандларимиз тарбиясида энг асосий бугун ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Айнан мактабгача таълим соҳасига бўлган эътибор мамлакатнинг эртаниги тараққийоти учун мухташам замин яратади. Шуларни назарда тутиб, биз қўртимизда илк бор Мактабгача таълим вазириликни ташкил этдик.

Бугун йирик шаҳарларимиздан тортиб, чекка туманлар, қишлоқ ва овулларимизда янги-янги замонавий боғчалар барпо этилмоқда. Қисқа вақт, яъни тўрт йил ичида республикамизда боғчалар сони 3 баробар ошади (5 минг 200 тадан 14 минг 200 тага), болаларни қамраб олиш даражаси 28 фоиздан 54 фоизга етгани ана шундай амалий ҳаракатларимиз натижасидир.

Соҳага давлат-хусусий шериклик механизми жорий этилиши туфайли 223 мингдан ортиқ ўринга эга бўлган 7 минг 400 та хусусий боғча ташкил қилинди. Бу мақсадлар учун 1 триллион 850 миллиард сўм имтиёзли кредит маблағлари йўналтирилди, 20 мингта яқин янги иш ўрни яратилди.

Кўриниб турибдики, дастлабки натижалар ёмон эмас. Бирок ҳали бу борада қиладиган ишларимиз анчагина.

Соҳада давлат-хусусий шериклик тизимини ривожлантириб, нодавлат секторнинг улушини 75 фоизга етказиш, мактабгача таълим қамровини эса 80 фоиздан ошириш зарур.

Болалар боғчалари учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг амалдаги тизими давр талабларига жавоб бермайди. Қолаверса, мактабгача таълимда замонавий ўқитиш шакллари, янги педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда мактабгача таълим соҳасидаги ушбу муҳим вазиғалар ижроси юзасидан ҳукумат қарорини қабул қилсин.

Мухтарам дўстлар!

Халқимиз ҳаммиса устозларни эъзозлаб, уларнинг хўрмат-иззатини жойига қўйиб келган. **“Устоз ота каби улуг”** деган ҳикматли нақл ҳам бежиз айтилмаган. Энди ана шу сўзларни қўроғда эмас, амалда қарор топтирадиган, ўқитувчи-муаллимнинг қадри-қимматини жойига қўядиган пайт келди.

Мен бу гапларни нима учун айтаятганимни ҳаммангиз яхши тушуниб турибсиз, албатта.

Яшириб нима қилдик, кўп йиллар давомида ўқитувчиға эътибор борасида сўзимиз бошқа, ишимиз бошқа бўлиб келди. Оқибатда соҳа ходимлари гўёки кераксиз ва химюсиз қатламга айлиниб қолди. Мактаб ўқитувчиларининг асосий вазиғаси бир четда қолиб, уларни ўзларига мутлақ алоқаси бўлмаган ишларга жалб этиш чуқур илдири олди. Янаям очикроқ айтсак, муаллимларнинг “ҳўжайини” қўлайиб кетди. Бундай ноҳўя ишлар нафақат таълим сифатиға, балки соҳа ходимларининг ўз касбига бўлган муносабатига ҳам салбий таъсир қўрсапти. Қанчадан-қанча тажрибали ўқитувчилар дили оғриб, севган касбини ноилжоз ташлаб кетганини ҳам биламиз.

Мана, ақин-яқингача ўқитувчи-муаллимлар, айрим жойларда ўқувчилар ҳам, тўрт ойлаб пахта йиғим-терими, чопиқ ва яғна-ғана чиқарилгани сир эмас. Натижада ўқитувчи бир ойда ўртача 80 соат дарс ўтиши керак бўлса, тўрт ойда 320 соат йўқотадиган вазиғат вужудга келди. Ўз навбатида, ўқувчи бир ойда 136 соат сабоқ оладиган бўлса, тўрт ойда 544 соат дарсини бой беришга мажбур бўлди.

Агар бу рақамларни ўн бир йилга кўпайтирсак, биласизми, қанча бўлади? Бу, ахир, юқори синф ўқувчилари учун белгиланган 8,5 минг соатлик ўқу дастурининг қарийб 3 минг соати — 30 фоизи далада мажбурий меҳнатда ўтди, дегани эмасми? Бошқана айтганда, бола 11 йил ўрнинга атиги 7 йил ўқишга мажбур бўлди.

Яратганга шукрки, бундай салбий ҳолатлар энди тарихда қолди. Ҳамама соҳани ўз эгасига, жумладан, қишлоқ ҳўжалигини ҳам фермер ва кластерларга топшираётганимиз туфайли бунга эришмоқдамиз. Кейинги тўрт йилда мактаб ўқитувчиларининг ойлук маоши бир ярим баробар кўпайтирилди. Давлат мукофотлари билан тақдирланаётган устозлар сони ошди борапти. Ўқитувчи тайёрлайдиган ҳисоботлар, қўроғозобликлар сони кескин камайтирилди.

Ўзингиз ўйланг, тўрт йил олдин бундай ўзгаришларни тасавур қилиб бўлармиди? Жамиятда устоз ва мураббийларга қаратаилаётган эътибор туфайли қарийб 15 минг нафар эркак ўқитувчи мактабларга қайтди. Аммо, шунинг таъйидига керакик, ҳали бу борада қўланган натижага эришганимиз йўқ. Ҳозирги кунда ҳам халқ таълимидаги педагогларнинг қарийб 70 фоизини аёл ўқитувчилар ташкил этмоқда.

Албатта, ҳаммамиз мактаб даврини эслаганимизда, кўз олдимизга, аввало, талабчан ва меҳрибон синф раҳбаримиз келди. Нима учун? Чунки мактабдаги ҳар бир қаддимиз мана шу азиз ва олижаноб инсонларнинг доимий эътибори ва ғамхўрлигиде бўлган. Ҳаётга илк йўланмани ҳам бизга мана шу устозларимиз берган.

Шу сабабли биз синф раҳбарларининг машаққати ва масъулияти меҳнатини муносиб рағбатлантириш чорасини кўряптик. Хусусан, 2020 йил 1 октябрдан бошлаб 242 минг нафар синф раҳбари учун қўшимча тўлов миқдори бир ярим баробар оширилади. Мазкур мақсадлар учун йиллик 400 миллиард сўмдан зиёд қўшимча маблағ йўналтирилади.

Энди келганда айтмоқчиманки, мен бугун имзолаган Фармон билан биринчи марта 14 нафар синф раҳбари давлатимизнинг ордени ва медаллари билан тақдирланди.

Ўқитувчиларнинг доимий ва узлуксиз психологик қўнимларини ривожлантириш мақсадида Халқ таълими вазирилик қоидадаги ҳудудий малака ошириш институтларида синф раҳбарларини тайёрлаш бўйича алоҳида ўқу курсларини ташкил этиш керак.

Бугунги кунда жамиятимизда ўқитувчи ва мураббийларнинг қадди, шаъни ва нурури тикланаётгани барчамизни қувватлади.

Айни вақтда бу ўта муҳим масала энг долзарб вазиғамиз эканини алоҳида таъкидлаб, уни амалга ошириш бугун жамиятимизнинг бурчиға айланганини истардим.

Фарзандларимиз мактабдан қанчалек билимли бўлиб чқса, юқори технoлогияларга асосланган иқтисoдий тармоқлари шунча тез ривoжланади, қўллаб ижтимоий муаммоларни ечиш имкони туғилади. Шундай экан, Янги Ўзбекистон оstonаси мактабдан бошланади десам, ўйлайманки, бутун халқимиз бу фикрни қўллаб-қувватлайди.

Хурматли йиғилиш иштирокчилари!

Мамлакатимизнинг келгуси тараққийотини ўйлаб, ўқитувчи ва муаллимларининг ҳаётимиздаги нуфузи ва маъқени ошириш мақсадида уларнинг мақомини қонун даражасида белгилашни тақлим қиламан. Ушбу қонунда ишларга таълим ва тарбия бериш ҳараёнда ўқитувчилар ўзларининг салоҳиятини кўпайтириб намоён этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларни иқтимоий, ҳуқуқий, моддий қўллаб-қувватлаш чораларини қафолатланиши керак. Жумладан, мактаб директори, унинг ўринбосари, синф раҳбари, ўқитувчининг мақоми аниқ белгилашни лозим.

Ўқитувчиларга устамалар тўлаш, уларни рағбатлантириш мезонлари ҳам тўлиқ қайта қўриб чиқилиши зарур. Амалда бу масала ўта мураккаблиги ва ортиқча қўроғозоблик талаб қилиши ҳам ҳақиқат. Бунда ақсарият эскирган қўноқности ҳўжатлари қайта қўриб чиқилиб, бекор қилинса, ўйлайманки, мақсади мувфиқ бўлади.

Ўқитувчиларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимюясида бўлишини, уларнинг касбий фаолиятиға ноконуний аралашув, бошқа ишларға жалб қилиш жавобгарликка сабаб бўлишини қатъий белгилаш лозим.

Қонунда, шунингдек, мактаб директорига қўйиладиган талаблар, унинг асосий вазиғалари ва фаолиятини баҳолаш мезонлари ҳамда ҳисобот бериш тартибини белгилаш зарур.

Мактаб директори лавозимини танлов

ассосида, мактабни келгуси 5 йилда ривожлантириш бўйича энг яхши дастурға эга номзод эғаллаши керак. Энди мактаб директори йил якуни бўйича дастур ижроси ҳақида маҳаллий Кенғашда ҳисобот беради ва унинг фаолиятиға халқ вакиллари томонидан очик-ойдин баҳо бериб борилади. Мактаб директорига интизомий жазо бериш ва уни лавозимидан озод этиш масалалари ҳам маҳаллий Кенғашлар билан келишилган ҳолда амалга оширилаши зарур.

Парламентимиз аъзоларидан маҳаллий Кенғашларнинг мактаблар билан ишлаш тизимини алоҳида назоратта олиб, ушбу жараёнларға яқиндан қўмақ беришларини сўрайман. Олий Мажлис палаталари (Т.Норбoева, Н.Исмомилoв) икки ой муддатда умумтаълим мактаблари билан ишлашнинг янада қўчайтириш бўйича тегишли чоратадбирларни ишлаб чиқишлари мақсадиға мувфиқ бўлади.

Келгуси икки йил давомида мактабларнинг моддий-техник жиҳатдан таъминлаш ҳаражатларини 2 баробар ошириш, уларни замонавий жиҳозлар ва кўрғазма қуроллари билан тўлиқ таъминлаш лозим.

Афсуски, бугунги кунда туман ва шаҳар халқ таълими мудирларининг тизимдаги ўрни сезилмапти. Уларнинг фаолияти, асосан, ҳўжалик ишларини назорат қилиш ва тегишли жазо чоралари қўллашдан иборат бўлиб, таълим сифати билан шуғулланиш иккинчи даражали масалаға айланиб қолган. Мазкур раҳбарларнинг тизимдаги ролини қайта қўриб чиқиш ва уларнинг мақомини оширишни даврининг ўзи талаб қилмоқда. Бундан буюн туман халқ таълими бўлими мудирлари ҳимюнинг маориф бўйича маслаҳатчиси сифатида фаолият олиб боради ва бевосита ҳимюлик бинюсида ўтиради. Шунга мос равишда уларға зарур вақолатлар берилади.

Бундан ташқари, таълим соҳасини ривожлантириш мақсадида туман ва шаҳарларда алоҳида жамғарма ташкил этсак, нима дейсизлар?

Жамғарма маблағлари илғор ва намунали мактаб раҳбарлари ҳамда халқ таълими бўлимлари методистларини рағбатлантиришға йўналтирилади.

Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Кўчқоров), Молия вазиғлиги (Т.Ишметов) бир ой муддатда ушбу жамғармани ташкил этиш ва унинг молиявий манбаларини шакллантириш бўйича қарор лойиҳасини тайёрласин.

Қадрли дўстлар!

Кейинги вақтда мамлакатимизда мактаб таълимини умуммиллий ҳаракатга айлиниб, соҳа ривожиде янги давр бошланганидан хабардорсиз. Ана шу ҳаракатнинг амалий ифодаси сифатида сўнгги икки йилда 556 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 77 та янги мактаб қурилди. 1 минг 930 та мактабда қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари бажарилди.

Айни пайтагача мавжуд бўлган қишлоқ мактабларидики “Қўлбoла печка”лар ҳам тўлиқ алмаштирилмоқда. Юзлаб мактабларда электр энергияси, тоза ичимлик суви таъминоти, иситиш тизими яхшиланди, ошхона, спорт заллари ва бошқа зарур биналар барпо этилди. 6 мингта ақин мактаб юқори тезликдаги интернетга уланди.

Шу билан бирға, хусусий таълим тизимига кенг йўл очилмоқда. Бу борада лицензия олиш тартиби соддалаштирилди. Ўтган уч йил давомида уларнинг сони 6 марта ошди, 140 тага етгани диққатга сазовордир.

Мутлақо янгича мазмун ва шаклга эга бўлган Президент мактаблари ҳамда ижод мактаблари бўйича ишлар фoл давoм этирилмоқда.

Математика ҳамда кимё-биология фанларини ривожлантириш бўйича қарорлар қабул қилдик. Уларға асосан ҳар бир туман ва шаҳарда ана шу фанларға иктисoслашган мактаблар бoсқимча-бoсқун ташкил этилади. Шу йилнинг ўзиде математика йўналишида 56 та, кимё-биология йўналишида 27 та мактаб ташкил этилгани бу ишларнинг бошланишидир.

Математика, кимё, биология, ахборот тизимлари ва информатика фанлари бўйича сертиғикация тизимини жорий этишни бошлади. Ўрта таълим тизимиде иқтидорли ўқувчилар ва ўқитувчилар билимини баҳолаш тизимини кенгайтириш мақсадида бошқа асосий фанлар бўйича ҳам сертиғикация тизимини жорий этиш зарур.

Хабарингиз бор, пойтахтимизда Муҳаммад Хоразмий номида ахборот-коммуникация технологияларига иктисoслашган янги мактаб очдик. Айни пайтда фарзандларимизнинг “ай-ти” технологияларға қизиқшини янада ошириш ва уларнинг етуқ мутахассис бўлиб етишишни — шoрат яратиш мақсадида жорий йилда — 14 та, келгуси йилда — 82 та, 2022 йилда — 64 та, 2023 йилда — 45 та ахборот технологиясига иктисoслашган мактаблар ташкил этилади ва барча туман ва шаҳарлар қамраб олинғади.

Ўқитувчилар ишини енгиллаштириш ва уларнинг салоҳиятидан оқилнона фойдаланиш учун келгуси йилда таълимни рақамлаштириш ишларини яқунлаб, “Онлайн мактаб”, “Рақамли ва хавфсиз мактаб”, “Электрон дарслик”, “Электрон кундалик” каби тизимлар жорий этилади. 2020 йил охиригача мактабларни кенг полосоли интернет тармоғига улаш даражаси 70 фоизга етказилади. Келгусиде барча мактаблар 100 фоиз интернет билан таъминланади ва бунинг учун Давлат бюджетте маблағлари йўналтирилади.

Биз халқор фан олимпиадалари ғолибларини ва уларнинг ўқитувчиларини рағбатлантириш тизимини йўлга қўйдик. Илгари олимпиадада олтин ёки кумуш медале олса, совриндор ўқувчиға ҳам, уни тайёрлаган ўқитувчиға ҳам нари борса битта фахрий ёрлик берилади. Ҳозир улар миллионлаб пул мукофоти билан тақдирланади.

Бу рағбатлантириш тизими амалда ижобий натижа бера бошлаганини алоҳида

таъкидламоқчиман. Пандемия шароитига қарамадан, ўқувчи ёшларимиз халқор фан олимпиадалариде фoл иштирок этиб, юқори ўринларни эғаллаётгани барчамизни қувватлади. Хусусан, бу йил 28 нафар иқтидорли ўғил-қизимиз ана шундай олимпиадаларда 2 та олтин, 8 та кумуш, 15 та бронза медале ҳамда 3 та дипломни қўлга киритгани алоҳида эътиборга лойиқ.

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШДА КАТТА КУЧ, ТАЯНЧ ВА СУЯНЧИМИЗДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланishi 1, 2-бетларда).

Ҳаммамизга аёнки, бугунги мураккаб глобаллашув даврида жамиятимизда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни кучайтириш, ёшларимизни турли зарарли ғоя ва таҳдидлардан асраш, уларни ўз мустақил фикрига эга, иродали, фидойий ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли биз биринчи марта умумтаълим мактабларида “Тарбия” фанини жорий этмоқдамиз.

Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг асрий кадриятларимиз асосида яратган “Туркий “Гулистон” ёхуд ахлоқ” асари шарқона тарбиянинг ноёб қўлланмаси сифатида бугунги кунда ҳам ўзининг қадри ва аҳамиятини йўқотган эмас. Биз “Тарбия” фанининг назарий асосларини ишлаб чиқишда мана шундай баёхо асарлардан самарали фойдаланишимиз зарур.

Хабарингиз бор, бир йил олдин ўтказилган селектор йиғилишида халқ таълимини ривожлантиришни умумий мақсад, умумхалқ ҳаракати сифатида белгилаб олган эдик. Ушбу ҳаракат доирасида барча педагоглар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари мактаблари оталиққа олган эди. Шундан сўнг ҳокимиятимиз “урра-уррачилик” билан бир муддат мактабга киргандек бўлди, буни “ойнаи жаҳон”да намойиш ҳам қилди. Лекин шу билан тамом — мактаб эсимиздан чиқди.

Такрор айтман, бугун мактабга кирмаган, мактабнинг, ёш авлоднинг дарду ташвишлари билан яшамаган раҳбарни эртага ҳаётнинг ўзи қабул қилмайди.

Ҳозирги вақтда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳам институционал ислохотлар олиб борилмоқда. Энди ҳокимлар иш вақтининг факат 10 — 15 фоизини қишлоқ ҳўжалиги соҳасига сарфлайдиган шароит вужудга келмоқда. Қолган вақтда улар ижтимоий масалалар, аввало, таълим-тарбия, маънавият билан бевосита шуғулланишлари лозим.

Мана, ҳар бир ҳоким ёки унинг ўринбосарлари ҳамма фермерларни номнамон билади. Лекин мактаб директорларини, илгор синф раҳбарларини, фаол ўқитувчиларини-чи? Бугун бу борада қайси ҳокимни ибрат, намуна қилиб кўрсата оламиз? Афсуски, жавоб йўқ.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар ҳокими ҳафтада бир кунни албатта мактабга бағишлаши керак.

Мактаб муаммосига биринчи даражали масала деб қарашимиз

лозим. Мактаб — фақатгина таълим берадиган маскан эмас, барчамиз учун юксак маънавий бешигига, фарзандларимизни болалиқдан бошлаб касбга ўргатувчи даргоҳга айланиши зарур.

Жорий ўқув йилидан бошлаб профессионал таълим тизимида янги шаклдаги муассасалар тармоғи йўлга қўйилаётганидан барчангиз хабардорсиз. Жумладан, халқаро стандартларга мос 725 та профессионал таълим муассасаси — касб-ҳўнар мактаби, коллеж ва техникумлар қўн қўнларда ўз фаолиятини бошлади. Уларда 200 мингдан ортқ ўқувчилар бугунги талабаларга жавоб берадиган ўқув дастурлари асосида таълим олади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги халқаро меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш, профессионал таълимнинг мазмуни ва сифатини ошириш дастурини ишлаб чиқсин. Худудларнинг раҳбарлари эса битириб чиқётган ёш мутахассисларни муносиб иш билан таъминлаш ҳақида бош қотирishi зарур.

Кадрли юртошлар! Бугунги кунда жаҳондаги нуфузли олий таълим муассасалари илм-фаннинг йирик ўққуқлари ҳисобланishi ҳеч кимга сир эмас. Шунчи ҳисобга олиб, биз мамлакатимиз олий таълим тизимида туб ислохотларни амалга оширялмиз. Янги-янги олий ўқув юрталари, дунёдаги етакчи университетларнинг филиаллари ташкил этилмоқда.

Мисол учун, сўнгги 4 йилда мамлакатимизда 47 та янги олий таълим муассасаси, жумладан, хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилиб, олий ўқув юрталарининг сони 125 тага етди.

Давлат-хусусий шериклик тизими асосида нодавлат олий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Аҳоли фикрини ўрганган ҳолда, сиртки ва кечки таълим шаклларини қайта тикладик, қабул қвоталари оширилмоқда. Мактаб битирувчиларини олий таълимга қамраб олиш даражаси 2016 йилга 9 фоиздан 2020 йилда 25 фоизга етган бўлса-да, биз бу ишларни янада кенгайтиришимиз зарур.

Профессор-ўқитувчиларнинг хориждаги олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот масканларидан малака ошириши ва стажировка ўташини таъминлайдиган механизм яратилди. Уларнинг ойлик иш ҳақи микдори 2018 йилга нисбатан ўртача 2,5 баробар ошдирилди. Бу йилдан бошлаб 10 та олий таълим муассасаси ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилди.

Айни пайтда олий таълим соҳасида бир қатор муаммолар сақланиб қолаётганини

таъкидлаш лозим. Бу муаммолар нималардан иборат? Уларни ҳал этиш ун қандай тадбирларни амалга оширишимиз керак?

Авалло, соҳада давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, айниқса, худудларда нодавлат олий ўқув юрталарини ташкил этиш секин бормоқда. Мана, Фарғонада Корея билан, Хоразмда Малайзия билан ҳамкорликда олий ўқув юрталари ташкил этилган. Лекин, нима учун бошқа вилоятларда бундай ҳаракатлар сезилмаяпти?

Аксарият битирувчиларнинг билим ва малакаси меҳнат бозори талабларига жавоб бераётганини ҳам тан олишимиз керак. Маҳаллий таълим муассасаларида инновацион фаолият ҳамда тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш даражаси жуда паст. Тизимда илмий даражали ўқитувчилар улushi ўртача 37 фоиз экани бизни қониктирмайди. Худудларда бу кўрсаткич янаям паст даражада сақланиб қолмоқда.

Олий таълим масканларини илмий лабораториялар билан жиҳозлаш, тизимда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш даражаси ҳам паст эканини қайд этиш лозим.

Сир эмас, бугунги пандемия жуда кўп соҳалар қаторида соғлиқни сақлашнинг илм-фан йўналишида ҳам ҳали билимларимиз заиф эканини кўрсатиб қўйди. Барчамиз бундан жиҳдий ҳулиса қилишимиз керак.

Олий таълим тизимининг вазифаси фақат талабаларга дарс беришдан иборат эмас. Университет ва институтларимиз илм-фан соҳасида ҳам фаол ишлаши, ёшларни илмий ишларга, катта-катта лойиҳаларга жалб этиши керак. Ушбу муассасаларда илмий тадқиқот ишларини янада ривожлантириш мақсадида илмий-техник дастурлар доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар кўламини 3 баробар кенгайтириш, докторантурага қабул қвоталарини 4 марта кўпайтириш зарур.

Бугун “рақамли иқтисодиёт” деган тушунча дунёда энг долзарб масалалга айланганини барчамиз кўриб турибмиз. Айни пайтда ахборот технологиялари соҳасида чўқур билим ва малакага эга бўлган, улардан унумли фойдалана оладиган замонавий мутахассислар миллий иқтисодиётимиз учун ниҳоятда зарур. Барчамиз бу масалани чўқур англаган ҳолда, шу мақсадга эришиш учун жиҳдий ҳаракат қилишимиз шарт. Бу ишга бугун киришмасак, эртага кеч бўлади.

Вазирлар Маҳкамаси ушбу устувор вазифалар ижроси юзасидан алоҳида дастур ишлаб чиқиши зарур.

Мўхтарам дўстлар! Ёдингизда бўлса, давлат раҳбари сифатидаги менинг биринчи учрашувим 2016 йил 30 декабрда мамлакатимиз академиклари билан бўлиб ўтган эди. Бу пайтда Фанлар академияси муаммолар гирдобига ботиб қолган, унга охириги сайловлар 1995 йилда ўтказилган эди. Оқибатда ўтган давр мобайнида академикларнинг сони 2 баробар қисқариб, 63 нафар академик қолган эди, холос.

Биз академияни, таъбир жоиз бўлса, реанимация ҳолатидан чиқариб, соғлом, тўлақонли фаолиятга қайтариш учун зарур амалий чораларни кўрдик. 32 нафар янги академик сайланди. Фанлар академиясининг фаолиятини Давлат бюджетидан молиялаштириш тизими йўлга қўйилди. Бир қатор илмий-тадқиқот институтлари ва марказлар фаолияти қайта тикланди. Жумладан, 40 та илмий лаборатория замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Ушбу мақсадлар учун биргина Фанлар академиясининг институтларига қарий 300 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Биз жамиятимизда илм-фаннинг қадрини кескин ошириш, олимлар ва тадқиқотчилар учун шароит ва имкониятларни кенгайтириш йўлида жиҳдий ҳаракат қиляпти. Айни пайтда таъкидлаш лозимки, ўша учрашувда билдирилган аксарият вазифа ва топшириқлар бугун ҳам долзарб бўлиб, уларни тўлақонли амалга ошириш учун барчамиз масъулмиз.

Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистонда илм-фан соҳаларини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси лойиҳасини киритсин.

Шаҳсан мен жонқуяр олимларимиз буюк аждодларимизнинг илмий аъёнларини муносиб дивом эттирган ҳолда, илм-фани тараққиётимизнинг драйверига айлан-тириб, мамлакат ривожига хизмат қиладиган муҳим кашфиётлар яратишларига ишонман.

Кадрли ватандошлар! Барчамиз янги биламизки, инсоннинг онги ва дунёқараши, фикри ўзгармаса, жамият ўзгармайди. Жамият ўзгармаган жойда ҳеч қандай ижобий натижа ҳам, тараққиёт ҳам бўлмайди. Одамларнинг онгу тафаккурини ўзгартирувчи куч эса, ҳеч шубҳасиз, аввало, ўқитувчи-мураббийлар, олийгоҳ домпалари, илм-фан арбоблари, маданият ва санъат, адабиёт намояндаларидир.

Бугун биз яшаётган жамиятга янги фикр, янги ғоя, энг муҳими, ислохотларни

амалга оширишга қодир бўлган янги авлод кадрлари керак. Албатта, халқимизнинг мардона меҳнати, ўқитувчи ва мураббийларнинг жонбозлиги тўғайли таълим соҳасини тубдан модернизация қилиш бўйича кўп иш қилдик. Лекин ҳаммамиз яши тушунамизки, булар — катта мақсад йўлида ташланган дастлабки қадамлар, холос.

Барчангиз гувоҳсиз, бугун замон шиддат билан ўзгариб, барча соҳалар қатори таълим тизими олдига ҳам ўта долзарб ва мураккаб вазифаларни қўймоқда. Биз дунё миқёсидаги кескин рақобатга бардоз бера оладиган миллий таълим тизимини яратишимиз зарур. Шу мақсадда, аввало, таълим масканларининг моддий-техник базасини, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, дарслиқлар ва ўқув қўлланмаларини замон талаблари асосида стандартиллаштириш, ўқув дастурлари ва қаторларларини оптималлаштириш, соҳа ходимларининг иш ҳақини босқична-босқич ошириб бориш, уларнинг машаққатли меҳнатини муносиб қадрлаш бундан буюн ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Бугун мен, аввало, таълим-тарбия соҳаси фидойиларига, барча юртошларимизга мурожаат қилиб айтмоқчиман: **азиз дўстлар, биродарлар, агар интилас, астойдил ҳаракат қилсак, ҳар қандай баланд маррани эгаллаш қўлимиздан келади. Биз маърифат борасида, таъбир жоиз бўлса, “илиги тўқ” халқимиз. Илм-фанга интилиш бизнинг қонимизда, бугунги тили билан айтганда, генимизда бор.**

Ҳаммамиз янги тушунамиз, учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш — беш ўн йилда бўладиган иш эмас. Бунинг учун, аввало, юзлаб, минглаб истеъдодли кадрлар, фидойи шахслар керак.

Биз Худо берган истеъдодга парварши зарурлигини, агар ўз вақтида шароит яратиб берилмаса, ҳар қандай иқтидор ҳам сўниб қолиши мумкинлигини янги англаймиз.

Мана, Темирийлар даврини эслайлик, Ғазнавийлар, Хоразмишлар, Навоийлар замонини ёдга олайлик. Агар давлат томонидан эътибор ва ҳомийлик бўлмаса, ижодий муҳит яратиб берилмаса, улуғ алломаларимизнинг салоҳияти бу даражада ёрқин намён бўлмас эди.

Бугун давлатимиз томонидан илм-фан, таълим ва тарбия, маданиятни ривожлантириш учун қанча куч, қанча маблағ керак бўлса, ҳаммасини топамиз. Қандай имконият зарур бўлса — яратамиз.

Баъзи одамлар, пандемия даврида шу гаплар зарурми, деб ўйлаши ҳам мумкин. Бундай тор қараш билан яшайдиган ки-

шилар янглишади. Худо хоҳлса, корона-вирус пандемияси ҳам эртами-кечми, албатта тарихга айланади.

Бу касаллик бошланган март ойидаёқ биз ушбу оғир синовдан муносиб ҳолда, янада кучли бўлиб ўтишимиз керак, деб ўз олдимизга улкан вазифа қўйган эдик. Бугун ана шу мақсадларимиз аста-секин амалга ошмоқда. Биз барчамиз улуг аждодларимиздан ибрат олиб, уларга муносиб бўлиб, доимо эзгу орзу-интилишлар билан яшашимиз керак.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, мен йил бошида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномадаги бир фикрга эътиборингизни қаратишни ўринли, деб биламан. Яъни: **“Энг катта бойлик — бу ақлзаковат ва илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик — бу билимсизликдир”.**

Чиндан ҳам, бугун биз улуг ниятлар билан пойдевор қўяётган янги Ўғғонши даври мамлакатимизда мана шундай улкан бойлик яратишга, халқимизнинг ҳаётини фаровон қилишга ва келгуси авлодларга ўзимиздан муносиб мерос қолдиришга хизмат қилади.

Ишонанмик, ўз тарихида не-не буюк ишларни шараф билан амалга оширган халқимизнинг интеллектуал ва маънавий салоҳияти, куч-қудрати ва олижаноб фазилатларига таяниб, ўз олдимизга қўйган улуг ва эзгу мақсадларимизга албатта эришамиз.

Азиз муаллимлар, мўхтарам домпалар! **Мен янги Ўзбекистонни — обод ва фаровон, демократик мамлакатни барпо этишда сиз, мўхтарам педагогларни, профессор-ўқитувчиларни ўзим учун энг катта куч, таянч ва суянч, деб биламан. Сизларнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган фаолиятингизни қўллаб-қувватлаш, сизлар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароити яратиб беришни Президент сифатида ўзимнинг муқаддас бурчим, деб ҳисоблайман.**

Сизларни қутлуг байрамингиз билан яна бир бор чин юракдан табриқлаб, барчангизга сийҳат-салооматлик, бахту саодат, масъулиятли ва шарафли фаолиятингизда муваффақиятлар, хонандонарингизга файзу барака тилаймиз.

Доимо фарзандларингиз, шоғирдларингиз, алу юртимиз хурмати ва ардоғида бўлиш бахти насиб этсин, азиз устозлар! Эътиборингиз учун раҳмат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КўРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ Тўғрисида

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» фахрий унвони билан

Рахманова Раъноҳон Мўхтаровна — Олтинсой туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти
Асновова Мўхтарам Аскарловна — С.Х.Сироҳиддинов номидаги Республика академик лицейининг биология фани ўқитувчиси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони билан

Кученова Канзира Карбаевна — Томди туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти
Узакбаева Роза Сарсеновна — Қорақалпоғистон Республикаси 1-Меҳрибонлик уйи ўқитувчиси
Ишанқулов Артикбай — Тошкент педиатрия тиббиёт институти қўшидаги академик лицейи директори

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони билан

Мусаев Абдурашит Ибраҳимович — Чирчиқ ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг ашшақ эшиш бўйича катта мураббийи, Тошкент вилояти
Ҳоджаев Равшан Илҳанович — Бухоро ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг бокс бўйича бош мураббийи, Бухоро вилояти

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Арипов Мерсаид — Ўзбекистон Миллий университетининг амалий математика ва компьютер таҳлили кафедраси профессори
Бабоева Сабира Хасановна — Гулистон туманидаги 27-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Шадиёв Турсун — Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университетининг «ОНЕСКО» кафедраси мудири

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Абдуллаева Зайнабжан Худайбергеновна — Эллиқалъа туманидаги 61-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Абдураимова Зулфия Хативона — Юнусобод туманидаги 250-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Абдурахманова Саломат Шукриевна — Мирзаобод туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг 8-А синф раҳбари, математика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Азизов Алихан Шарофович — От спорти бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби бош мураббийи

Боранбаева Саодат Хасановна — Яшнобод туманидаги 166-умумий ўрта таълим мактабининг география ва иқтисодий билим асослари фанлари ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Грибанова Татьяна Александровна — Миробод туманидаги 158-умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент шаҳри

Губина Галина Фёдоровна — Зарафшон шаҳридаги 3-мактабгача таълим муассасаси мудири, Навоий вилояти

Зайнутдинова Мўйнисхон Исмоиловна — Чуст туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Камалова Дилором Туваловна — Жомбой туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Краснолобова Наталия Рафаэловна — Нурафшон шаҳридаги 57-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Мавлонов Оқилжон Тахирович — Ўзбекистон туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Мамажонова Иноятхон Аҳмаджоновна — Булоқбоши туманидаги 14-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Мирзамова Масвуда Абдуқаҳаровна — Наманган шаҳридаги 82-умумий ўрта таълим мактаби директори, Наманган вилояти

Мокрова Людмила Федоровна — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи фортепиано ўқитувчиси

Рахимов Ҳошим Темирович — Гижувон туманидаги 5-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Салиджанова Анжелика Анваровна — Мирзо Улугбек туманидаги 208-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Санаева Раҳима Амиркуловна — Самарқанд шаҳридаги 49-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Туляганов Дилшат Убайдуллаевич — Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг табиий ва математика фанлари кафедраси мудири

Узаков Карим Эргашович — Ғузор туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Фозилов Нишонбой Арабович — Зомин туманидаги «Муруват» ноғиронлиги бўлган аёллар учун интернат уйи директори, Жиззах вилояти
Хайитова Гулбинисо Очилдиевна — Жарқўрган туманидаги 12-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг физика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Шамсутдинова Оптобхон Мақсудалиевна — Меҳнат фахрийиси, Фарғона вилояти

Шаумарова Муҳая — Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг қишлоқ ҳўжалик машиналари кафедраси профессори

Юлдашева Равза Тажиддиновна — Олмалиқ шаҳридаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Жуммаев Турсунмурод Ражабович — Музработ туманидаги «Баркамол авлод» болалар мактабининг «Ёш таянчшонослар» тўғрайи раҳбари, Сурхондарё вилояти
Кенжаева Фарида Жумаевна — Чирчиқ шаҳридаги 14-Меҳрибонлик уйи директори, Тошкент вилояти
Мунинова Нафиса Гайбуллаевна — Мирзаобод туманидаги 11-мактабгача таълим муассасаси мудири, Сирдарё вилояти

Мунинова Одинахон Тоштемировна — Олтиариқ туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Раупова Дилбар Махмудовна — Қогон туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг 5-В синф раҳбари, бошлангич синф ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Реджапова Донахон Холқўқоровна — Андижон шаҳридаги Болалар шахарчаси тарбиячиси, Андижон вилояти
Тиллаева Феруза Рахимовна — Богот туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Токарева Ирина Александровна — Юнусобод туманидаги 259-умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент шаҳри

Усарова Санталат Утаевна — Мирзачўл туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Усанова Муяссар Жураевна — Қосон туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти



Акс садо

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясидаги нутқини бутун вужудим билан тингладим. Зеро, давлатимиз раҳбарининг бу нуфузли минбарда туриб, 2017 йилдагидек жасорат билан сўзлашига ишонардим. Очиғи, воқеа, жараён мен кутганимдан ҳам зиёда бўлди. Нутқни эшитиб бўлгач, юрагим тўлқинланиб кетди, ўз-ўзидан нидо берди.

РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ҲАМ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ҒОЯЛАРИНИ ЭЪТИРОФ ЭТАПТИ

Она тилимизда юксак минбарда салоҳият билан гапирган Юртбошимиз билан гурурландим. Дунё аҳлига сабоқ бўлган мазкур нутқга жaxon ҳамжамияти томонидан қаратилган юксак эътибордан янада фахрландим. Зеро, билишимча, дунёдаги санокли давлатлар раҳбарларига БМТ Бош Ассамблеяси минбарда бу қадар кенг қамровли ва ҳаётий ғояларга йўғрилган нутқ сўзланган, ҳолос.

Айтинг-чи, қачон бизда бундай кенг қамровли ислохотлар амалга оширилган ёки шунга ҳаракат қилинган? Кейинги уч йил ичида бирорта ой ёки ҳафта бормикан, унда ишбилармонлар манфаати йўлида қонун, Фармон ёки қарор чиқмаган бўлса?

Қани айтинг, бир-икки йилда болалар богчасига қатнайдиغان кичкинтойлар салмоғини 19 фоиздан 50 фоизга олиб чиқиб осон ишми? Яқин-яқингача мактаб битирувчиларининг бор-йўғи 9 фоизи олий ўқув юрталарига кирарди. Ахир бугун бу кўрсаткич 25 фоизга етди.

Айтинг, бундай ютуқлар билан гурурланмай бўладими?!

Давлатимиз раҳбари бизни янги Ўзбекистонни барпо этишга ишонтирди. Узини аямаяпти, ҳаммага ибрат кўрсатаяпти. Ҳар бир соҳа, ҳар бир одам эътиборда. Мен янги Ўзбекистон қурилишида иштирок этаятганим, салоҳиятли қаровни учинчи Ренессанс сари дидил бошлаётган инсонга сафдош эканимдан

Эркинжон ТУРДИМОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Самарқанд вилояти ҳоқими.

АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ ДОНИШМАНДЛИК АНЪАНАЛАРИГА МОС

"Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари". Ўзбекистон тараққийотининг ҳозирги босқичида ана шу улуг мақсад бош ғоя сифатида майдонга чиқди. Қувонарлики, бу жаҳон ҳамжамияти минбаридан ҳам баралла янгради.

Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқи она тилимизнинг халқро микёсдаги обрў-эътиборини юксалтириш, уни миллий ва умумбашарий тушунчалар асосида тараққий этган тиллар сафига қўшишда катта аҳамиятга эга бўлди. Тилни асраш, ривожлантириш, бу — миллатнинг юксалиши, демократия, ушбу маъруза ҳар бир фуқарога она тилимизга чуқур ҳурмат билан ёндашиш кераклигини яна бир қарра эслатди.

Айни пайтда нутқда бугун дунёда инсон ҳақ-ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги тақрор-тақрор янгради.

Хўш, инсон ҳуқуқлари ўзи нима? Бу, оддий қилиб айтганда, бизнинг барча инсоний, турма ва табиий ҳуқуқларимиз. Шу ҳуқуқларни тўла-тўқис таъминлаш борасида давлатимиз раҳбари қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Коронавирус пандемияси бугун дунёдаги ларзага келтирди. Бундай шароитда инсон ҳуқуқлари янада долзарб аҳамият касб этяпти ўз-ўзидан маълум. Шу боис Президентимиз томонидан ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, саломадлиги ҳамда фаровонлигини таъминлашнинг биргалликда яратиш, ўзаро ҳамкорлик доирасини кенгайтириш, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мақоми ва салоҳиятини ошириш, ваколатларини кенгайтириш тақлиф этил-

ди. Муҳими, ана шу ташаббуслар кўпчилиқ давлатлар томонидан қўллаб-қувватланяпти. Инсон ҳуқуқлари тизимида гендер тенглик асосий ўрин эгаллайди. Давлатимиз раҳбари бу масалага алоҳида урғу бериб, юртимизда хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора қўнайиб бораётгани, янги парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробар кўпайганини таъкидлади.

Хозирги вақтда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқро ҳужжатлар, жумладан, БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколи иштирокчиси. Юртимиз БМТ конвенцияларини ратификация қилган ҳолда, мажбурий ҳамда болалар меҳнатини тўқил тўғатишга эришди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия қабул қилинди. БМТнинг фуқароларни бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган қаҳиригига жавобан, шу йилнинг ўзида 50 минг юртодошимизга Ўзбекистон фуқаролиги берилди. Миллатлараро товулик ва динлараро бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш, судларнинг чинаяқ мустақиллиги ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши муроасасиз кураш борасида муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилинганлиги эътироф этилди.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари камбағалликни қисқартириш ҳақидаги қатъий қарорини очик эълон қилиб, бунда тад-

биркорликни ривожлантириш ва кўшимча иш ўринлари яратиш, инвестиция ҳамда бизнес муҳитини яхшилаш, одамларни янги касб-хунарларга ўргатиш ва аҳолига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш орқали эришилмаётганини қайд этди.

Президентимиз нутқида қашшоқликни тўғатиш ва камбағалликка қарши курашининг БМТ Бош Ассамблеяси навбатдаги сессиясининг асосий мавзуларидан бири сифатида белгиланган ҳамда ушбу масалаларга бағишланган глобал саммитни ўтказиш ҳам тақлиф этилди.

Марказий Осиёнинг тараққийоти, фаровонлиги, барқарорлиги ҳақида сўз юритилганда, Афғонистон муаммосини ҳисобга олмасликнинг имкони йўқ. Мамлакатимиз раҳбари бу масалага тўхталар экан, халқро ҳамжамиятининг сайё-ҳаракатлари, биринчи навбатда, Афғонистондаги ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қаратилиш кераклигини яна бир қарра таъкидлади. "Беқарор ва вайронкор вазиятдан — тинчлик ва бунёдкорлик сари" деган таъминот асосида иш олиб бориш муҳимлиги, БМТ ҳузурида афғон халқининг дарду ташвишини тинглайдиган, доимий фаолият кўрсатадиган кўмита ташкил этиш ташаббуси билдирилди.

Умуман, давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг юксак минбаридан туриб билдирган ташаббуслари ўта долзарблиги, ўз вақтида илгари сурилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

Абира ХУСЕЙНОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси, фалсафа фанлари доктори.

САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИГА ДОИР

Душанбе шаҳрида 29 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода раҳбарлигида Саудо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг 7-йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Тожикистон Президентларининг қатъий сиёсий иродаси ва оқилона сайё-ҳаракатлари тўғрисида қисқа фурсатда мамлакатларимиз ҳамкорлиги стратегик шериклик даражасига чиқди. 2018 йилдаги олий даражадаги ўзаро ташрифлар ўзбек ва тожик халқларини кўп йиллар давомида қўйнаб келган муаммолар ечилишига сабаб бўлди. Чегаралар очилгани, ҳаво, автобус, темир йўл қатнови тиклангани, виза тартиби беқор қилингани халқларимиз ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамламоқда.

Йиғилишда саудо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш истикболлари муҳокама қилинди.

Урашув аюқларни юзасидан Саудо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро ко-

миссиянинг 7-йиғилиши баённи имзолади. Ташриф доирасида Ўзбекистон — Тожикистон ишбилармон доиралари бизнес форуми ва Ишбилармонлар кенгашининг йиғилиши ўтказилди. Ўзаро мулоқот давомида икки мамлакат бизнесменлари манфаатли саудо-иқтисодий алоқаларнинг ҳозирги ҳолати ва ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Йиғилиш доирасида умумий қиймати 712 миллион доллاردан ортиқ қийматга эга инвестиция ва экспорт-импорт шартномалари имзоланди.

Ташриф доирасида "Artel Avesto Electronics" Ўзбекистон — Тожикистон қўшма корхонасининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Душанбе шаҳрида Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон қабул қилди.

Ў.А.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ — МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗЛАР МУҲОКАМАСИДА

Янги таҳрирдаги "Виждон эркинлиги ва диний таъкилотлар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат таъкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан Адлия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда миллий маданий марказлар вакиллари иштирокида қизгин муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳасида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқро пакт ҳамда бошқа халқро ҳужжатларда ўрнатилган талаблар, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси, Инсонийлик мезонлари бўйича ЕХХТнинг тавсиялари акс этган. Шу билан бирга, лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида халқимизнинг кўп асрлик тарихи ва диний қадриятлари, бугунги кун воқелиги ҳам инобатга олинган.

Лойиҳада қўлланилган асосий тушунчалар замона му тарзда содда тилда берилган, виждон эркинлиги ҳуқуқи, виждон эркинлигини таъминлашнинг асосий принциплари, виждон эркинлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг диний соҳадаги ваколатларининг маъмуни ва моҳияти атрофида оқиб берилган.

Шунингдек, диний таъкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиб-таъмиллари енгиллаштирилмоқда, амалда бўлган қонундаги айрим чек-

ловлар олиб ташланиши баробарида, диний таъкилотларга бир қатор қўшимча қарорлар ўрнатиш ҳам лойиҳада ўз аксини топмоқда.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилган, фуқаролар, таълим ва диний таълим муассасалари, турли конфессия вакилларидан 500 дан ортиқ тақлифлар келиб тушган, уларнинг аксариятида янги таҳрирдаги қонун лойиҳасидаги ўзгаришлар маъқулланган.

Муҳокамалар жараёнида ушбу тақлифлар таҳлил қилиниб, жойларда миллий маданий марказлар томонидан янги таҳрирдаги "Виждон эркинлиги ва диний таъкилотлар тўғрисида"ги қонунга киритилиши таъминлашнинг асосий принциплари, виждон эркинлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг диний соҳадаги ваколатларининг маъмуни ва моҳияти атрофида оқиб берилган.

Шунингдек, диний таъкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиб-таъмиллари енгиллаштирилмоқда, амалда бўлган қонундаги айрим чек-

«Халқ сўзи».

ЦЗЯН Янь, Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси:

ҚИЙИНЧИЛИКЛАР МУНОСАБАТЛАРИМИЗГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛОЛМАЙДИ

1 октябрь куни Хитой Халқ Республикаси ташкил топганига 71 йил тўлади. Шу вақт ичида мамлакат тарихий юксалишини амалга оширди: оёққа турди, ҳаёти яхшиланди, тобора кучли ва қудратли давлатга айланмоқда. Мазкур йўл мураккаб, аммо муваффақиятлар ҳамда улғуров дақиқаларга тўла.

Дўстлик ришталари



Хитойнинг осон бўлмаган ривожланиш тарихи бу йил лавҳасида намойён бўлди. Бу Хитойда мўътадил фаровонлик жамиятининг ҳар томонлама қурилиши туганганини англатади ва ўзида мураккабликни акс эттирди. Пандемия сабаб булган коронавирусларнинг янги тури барча мамлакатларда, шу жумладан, Хитойда ривожланиш суръатини бозди. ХХР Раиси Си Цзиньпин бошчилигида пандемияга қарши курашда катта муваффақиятларни кўлга киритди ва ўз мақсадларига эришиш йўлида барча сайё-ҳаракатларини амалга оширмоқда.

Қисқа танаффусдан сўнг Хитой иқтисодиёти сезиларли ўсишга эришди, иккинчи чоракда ялпи ички маҳсулот йилга 3,2 фоиз ошди. Йил давомида 1,6 — 2,2 фоизга етиши кутилмоқда. Пандемия назоратга олингандан сўнг мамлакатнинг кўплаб минтақаларида кучли тошқинлар рўй берди, тўғридан-тўғри иқтисодий зарар 30 миллиард доллардан ошди. Ҳукумат зудлик билан сув тошқинларига қарши курашиш ва салбий оқибатларни бартараф этиш бўйича ишларни йўлга қўйди, қишлоқ жойларда қашшоқликни тўқил қўлиш бўйича йил охиригача қўйилган вазифани бажариш, одамларнинг шахсий ва мулкий хавфсизлигини таъминлаш учун барча имкониятни ишга солди.

Бу йил дунё микёсида "инсониятнинг умумий тақдирни жамияти" тушунчаси кенг тарқалди. Пандемияга қарши курашда Хитой жаҳон ҳамжамиятининг ҳаракатларини фаол қўллаб-қувватламоқда. ЖССТга 50 миллион доллар хайри қилиб, 150 дан ортиқ мамлакат ва халқро ташкилотларга интеллектуал ҳамда моддий ёрдам кўрсатмоқда. Пандемия ортдан иқтисодий тикланиш бўйича шерикларнинг эҳтиёжларига эътибор қаратган ҳолда Хитой "Бир макон, бир йўл" қурилишига сармояларни оширди.

Йилнинг биринчи ярмида "Бир макон, бир йўл" бўйича мамлакатларга Хитойнинг умумий сармояси 8,12 миллиард АҚШ долларига етди, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 19,4 фоиз кўпдир. Хитой Си Цзиньпиннинг дипломатия бўйича ғояларини амалий ҳаракатлар орқали рўёбга чиқармоқда ва бу халқро ҳамжамият томонидан кенг маъқулланди. Биз барчаннинг тақдирини ҳамбаркас болдик бўлган дунёда яшаймиз ва ўзаро ҳурмат, адолат ҳамда манфаатли ҳамкорлик тамойил-

«Халқ сўзи».

ФИДОЙИ КАСБ ЭГАЛАРИ ЮКСАК ЭҲТИРОМГА МУНОСИБ

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни. Бу кунда нафақат педагоглар, шу билан бирга, барча соҳадаги устозларга эҳтиром, ҳурмат кўрсатилади. Ушбу касб байрами ҳам халқимиз ва давлатимизнинг доимий эътиборида, шу боис у ҳар йили қизгин нишонланади. Бунинг замирида чуқур маъно муҳассас.

Фикр

Педагогларнинг бу йилги байрами муҳим ўзгаришлар, қувонарли янгиликлар билан бирга нишонланаётгани, айниқса, эътиборга молик. Биринчи навбатда, ўқитувчилик касбининг мақоми жойига қўйилиб, бу борада ҳуқуқий асослар мустаҳкамланмоқда.

Байрам арафасидаги муҳим янгилик — парламент қабул қилган "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг Президентимиз томонидан имзолангани бўлди, десак, асло янгилик бўлмади. Бинобарин, мазкур ҳужжат ҳар томонлама кенг қамровли, мамлакатимиздаги таълим-тарбия жараёнини янги поғонага кўтарилишига асос бўлади.

Хусусан, унда педагог ҳодимларнинг касбий шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўси давлат ҳимоясида экани, уларнинг касбий фаолиятига аралашилиши, хизмат вазифаларини бажаришига тўқсинлик қилинишига йўл қўйилмаслиги белгиланди.

Албатта, ушбу Қонун ўқитувчиларни йўлантириб, қўйнаб келаётган муаммоларни бартараф этишга хизмат қилсагина, мақсадга эришилган ҳисобланади. Шунинг учун парламентдаги муҳокамалар жараёнида бу ма-



Суратда: Тошкент шаҳридаги 144- умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Маширабон Умарова ўқувчилари билан.

салатга алоҳида эътибор қаратилди. Қонун лойиҳасини тақомиллаштириш мўбодийида 230 дан ортиқ меъёрларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, самарасиз ҳамда эскирган меъёрлар чиқариб ташланди. Энг асосийси, уларнинг ўрнига 50 дан зиёд янги, тўғридан-тўғри амал қилувчи меъёрлар белгиланди. Ана шу рақамлар ҳам таълим-тарбия масаласи, педагоглар меҳнати жамиятимиз келажигида қанчалик аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Қонун билан таълимда энди кўп нарсалар ўзгаради. Бу ўзгаришлар

орасида нодавлат таълим ташкилотлари умумий ўрта ҳамда ўрта махсус таълим бериши мумкинлиги, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олиш (сиртки, кечки, масофавий) учун шароит яратилгани, оилада ва мустақил таълим олиш мумкинлиги, инклюзив таълим олиш шакллари белгилангани сингари муҳим янгиликларни ажратиб кўрсатиш лозим.

Бу ўзгаришларнинг барчаси мамлакатимизда таълим тизими тубдан янгиланишига, таълим олиш эркинлашишига, педагоглар фаолияти фақат таълим-тарбияга қаратилишига, уларнинг меҳнати қадрланиши ва қонун билан ҳимоя қилинишига шароит яратди. Мухтасар айтганда, таълим масаласида жамиятимизда замонаг му янги муҳт шаклланимоқда.

Пандемия шароитида ўқитувчилар меҳнати қанчалик машаққатли эканини, албатта, янада чуқурроқ англаб етдик, ҳар биримиз ўзимизга тагишли ҳулосалар чиқардик.

Айни пайтда педагогларимиз олдида ҳам янги қаҳарулар, оқнайдим-тарбия, ўқувчиларнинг ахборот асрида тез ўзгараётган руҳиятига му келадиган илғор қўшимчаларни эгафалар билан боғлиқ долзарб вазифалар турибди. Бу йўлда соҳа фидоийлирига қамарбаста бўлишимиз, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз мақсадга мувофиқ.

Шербек БҮРОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМИНИНГ ЯХЛИТ ВА САМАРАЛИ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

Бугун жонқуяр устозлар билан бирга, жажжи болажонларимизга таълим ва тарбия бераётган меҳрибон тарбиячиларнинг ҳам байрами. Айни пайтда Ўзбекистонда 14 мингдан ортиқ мактабгача таълим ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда юзлаб тарбиячилар, меҳрибон опа-сингилларимиз болажонларга гамхўрлик қилишади. 2019 йилда Мактабгача таълим вазирлиги тизимига болалар қамровини 52 фоизга етказди. 2020 йил якунига қадар бу кўрсаткич 59,5 фоиз бўлиши кутилмоқда, шунингдек, 85,2 фоиз 6 ёшли болаларни мажбурий 1 йиллик таълим билан қамраб олиш режалаштирилган.

Мушоҳада

Холбуки, Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилмасдан аввал тизимда замонавий дастурлар жорий қилинмаган, болаларимизни мактабга тайёрлаш бўйича муқобил, мослашувчан моделлар етарли даражада ривожланмаганди. Тараққий этган мамлакатлардаги каби болаларни ижтимоий, шахсий, ҳиссий, нутқий, математик, жисмоний ва ижодий ривожлантириш, атроф-муҳит билан танишувга йўналтирилган махсус давлат таълим дастурлари татбиқ қилинмаган эди. Давлат мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган педагог кадрларнинг аксарияти ўрта махсус маълумотга эга бўлиб, болаларни мактаб таълимига талаб даражасида тайёрлаш имконини бермасди.

Президентимизнинг 2019 йил 8 майдаги "Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори мисолида кўрсак, мазкур концепция мактабгача таълим тизимини янада та-

қомиллаштириш, болаларнинг сифатли мактабгача таълимдан тенг фойдаланишини таъминлаш, мактабгача таълим хизматларини ривожлантириш, мухтасар айтганда, мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг мақсадли вазифаларини қамраб олган бўлиб, жараёнининг устуворликлари ва босқичларини белгилаб берди.

Концепция тасдиқлангандан сўнг, ўтган бир йилдан ортиқ вақт мўбодийида мактабгача таълим тизимида янги Қонун қабул қилинди, янги лойиҳалар, ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, 2019 йилда "Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида"ги Қонун имзоланди.

Қонунда мактабгача таълим ва тарбиянинг асосий тамойиллари, ушбу соҳадаги давлат сиёсати йўналишлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси, Мактабгача таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, эгаллида мактабгача таълим ташкилотлари бўлган давлат ҳамда ҳўжалик бошқаруви

органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари белгиланган. Концепцияда 2030 йилгача 3 — 7 ёшдаги болаларнинг 80,8 фоизини мактабгача таълим билан қамраб олинишининг таъминланиши кўзда тутилган. Хусусан, 2020 йилда янги мактабгача таълим ташкилотлари биноларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш, бир пайтлар боғча бўлган биноларни Мактабгача таълим вазирлиги ҳисобига қайтариш, мактабгача таълимнинг муқобил шакллари жорий этиш каби чоралар қилинган амалга оширилмоқда.

Шу йилнинг ўзида, дастурларга мувофиқ, 18 та объект қуриб битказилиши, 129 та бўш ишоот фойдаланишига топширилиши ва 261 та давлат мактабгача таълим ташкилоти таъмирланиши режалаштирилган. Бу эса қўшимча янги 32,7 миң ўринни яратди.

Мактабгача таълимда ҳусусий секторни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу тариқа, 2018-2019 йилларда Мактабгача таълим вазирлиги умумий қиймати 3,89 триллион сўмга тенг давлат-ҳўсусий шериклик бўйича шартномаларни имзоледи. Фойдаланишига топширилиши кутилаётган нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари қуввати 147,9 миң ўринга тенг. Йил якунигача яна 2 миңта оилавий ва 420 та давлат-ҳўсусий шериклик доирасидаги мактабгача таълим ташкилоти очилиши режалаштирилган.

Мактабгача таълим ташкилотлари учун педагог ҳамда бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва салоҳиятини оши-

риш борасида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатишмоқда.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ҳамда жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш ҳам концепциянинг асосий йўналишларидан биридир. Мазкур тизимда инновациялар, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида мактабгача таълим ташкилотларини компьютерлар билан таъминлаш, интернет тармоғига улаш босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Тизимда тарбия самардорлигини ошириш юзасидан давлат мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбияда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиши янада тақомиллаштириш мавзусида туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими лари томонидан ўқув-семинарларни ўтказилмоқда, тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Ушбу тадбирларда "OPEN EMIS" тизимидagi хато-камчиликларни тузатиш бўйича амалий кўнжиклар берилляпти.

Қисқача айтганда, узоқни кўзлаб ишлаб чиқилган концепция ўзининг ижобий натижаларини кўрсатиш арафасида. Мазкур дастур мамлакатим



АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

ёшлар учун ибрат мактаби

Сўнги йилларда мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилган ислохотлар олий ўқув юртинининг илмий-маърифий салоҳиятини тубдан оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Бу, аввало, давлатимиз ва халқимиз олдида турган янги тараққиёт даъватларини англаш, тобора юксалиб бораётган даврнинг руҳини идрок этиш, инновацион ҳамда технологик ривожланиш истиқболларини белгилашда мустақил фикрлай оладиган, ташаббускор, рақобатбардош, изланувчан, айна пайтда эл дардига дармон бўлувчи фидойи мутахассисларни тайёрлашнинг ноанъанавий ёндашувларини жорий қилишни тақозо этмоқда.

Маърифат

Холбуки, ўқув жараёнларини такомиллаштириш асосида шахсининг маънавий олами юксалтириш вазифалари таълимнинг тарбиявий моҳиятини оширишга хизмат қилади. Бу вазифалар халқимизнинг улғу адиблари асарларида кўтарилган Ватан туйғуси, миллатнинг шаъни ва қадр-қиммати, ор-номуси, орзу-умидлари мўжассам юксак гоғларни ёшлар онгу шуурига сингдиришга қаратилган янги педагогик амалларни жорий этишда намён бўлмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 20 май куни Адиллар хибонада республика олий таълим муассасалари ректорлари билан бўлган мулоқотда таълим ва тарбиянинг ана шундай ўзига хос янги хусусиятини очиб берди, десак, муволажа бўлмайди. Маънавий ҳаётимизда ўзгаришларнинг атоқли ёзувчи ва шоирларнинг тарихий хотирасини абадийлаштириш, ёш авлоднинг маданий-маърифий савиясини юксалтириш мақсадида Миллий бог худудида очик дарслар ташкил этиш бўйича берилган топшириқлари асосида ўтказилаётган машғулотлар ёшлар руҳиятида жаҳад, мардлик, улғу идеалларга содиқлик каби гоғлар теран идрок этилишининг энг замонавий ҳамда самарали усули эканлиги талабаларимизнинг юз-кўзидидаги мамнуниятдан ҳам билиниб турибди. Талаба-ёшлар жонли мулоқотлар жараёнида қаҳрамон адибимизнинг мурақаб ҳаёти, миллий истиқлол йўлида кечирган курашлари ва изтироблари, у қолдирган баҳоду адабий мерос бўйича қимматли маълумотларга эга бўлишяпти.

Мазкур вазифалар доирасида Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетига атоқли адиб Абдулла Қодирийнинг адабий меросини тарғиб қилиш мақсадида кенг қўламли чора-тадбир режаси ҳамда "Йўл харитаси" ишлаб чиқилди. Режага мувофиқ 2020 йил баҳорда Тошкент давлат техника университети билан Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ўртасида меморандум имзоланди. Меморандумга кўра, ишчи гуруҳ тўзилди ва унинг амалий вазифалари белгиланди. Бунда миллатпарвар фидойи ижодкор, ўзбек адабиётида роман жанрининг асосчиси, ўтган асрнинг 20-йилларидаги муҳим ижтимоий-маданий жараёнларнинг фалол иштирокчиси, қатагон курбони Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодини илмий асосда

чўқур ўрганиш ҳамда аҳоли, айниқса, талаба-ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш борасидаги ишлар тизимли амалга оширилади. Жумладан, Адиллар хибонадаги Абдулла Қодирий хайкали олдида ёзувчининг адабий мероси бўйича очик мулоқот дарси ўтказилди. Очик дарсларга бир гуруҳ ёзувчи, шоирлар таклиф қилинди. Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси аъзоларининг Дилшод Ражаб, Зикрилло Незмат, Отабек Қувватов, Ботир Эргашев билан талаба-ёшлар ўртасида Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва ижоди бўйича фикр-мулоҳазалар алмашилди. Мазкур тадбирларнинг кенг тарғиб қилиш мақсадида "Ўзбекистон 24" телеканали ва бошқа оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик изчил равишда амалга оширилмоқда.

2020/2021 ўқув йилидан Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ўқувчилари учун "Qodiriy izdoshlari" стипендияси таъсис этилди. Мактаб ўқувчилари учун мазкур стипендияни таъсис этиш бўйича жамоатчи фикри ўрганилди ҳамда университет кенгашининг шу йил 2 июлдаги қарори билан тасдиқланди. Бугунги кунга келиб Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби педагогик кенгаши таъсиси ва университети кенгаши қарори асосида 4 нафар билимли ҳамда иқтидорли ўқувчига янги ўқув йили учун стипендиялар тақдим этилди.

Бундан ташқари, Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва адабий меросини ўргатиш ҳамда тарғиб қилиш мақсадида университетнинг барча 1-босқич 44 та бакалаврият таълим йўналиши учун Ўзбек тили фанининг ишчи дастурига 6 соат ҳажмда "Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди", "Абдулла Қодирий ўзбек романчилигининг асосчиси", "А. Қодирий — ўтмиш, бугун ва келажак" мавзулари киритилди. Ушбу мавзулар бўйича очик дарслар ўтказиш учун қодирийшунос олим, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети кафедра мудири, филология фанлари доктори Б. Каримов соатбай асосида ишга таклиф этилди.

Этиборли жиҳати, аксарият тадбирлар талабаларнинг бевосита ташаббуси ҳамда иштироки асосида ташкил этилмоқда. Уларнинг гайрати билан университет расмий веб-сайти (tdtu.uz)да "Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди" ёшлар тарбиясида" номли веб-саҳифа яратилди. Унда "Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди", "Абдулла Қодирий асарлари", "Эл ардоғидаги адиб", "Янгиликлар" каби рунқлар ўрин олган бўлиб, уларда ёзувчи ҳаёти

ҳамда ижодига оид маълумотлар, университетда адиб ижоди бўйича Абдулла Қодирий ижод мактаби билан ҳамкорликда олиб борилган ишлар, Адиллар хибонадаги ижодий учрашувлар, китобхонлик ва иншолар танловлари, илмий-амалий анжуманлар ҳақида маълумотлар ёритиб борилмоқда. Айна пайтда университетнинг Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан Абдулла Қодирий ижоди ҳамда фаолияти борасида илмий мақола ва тезислар тайёрланмоқда. Шунингдек, улғу адиб ижоди бўйича фалсафа доктори (PhD) ҳамда фан доктори (DSc) диссертациялари устида илмий изланишлар олиб бориб, диссертация жомояларини ташкил этиш режалаштирилган.

Айтиш жоиз, шу йил 27 октябрь куни "Абдулла Қодирий ижодида давр ва миллат талқини" мавзусида онлайн республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди. Бунда республикамиз бўйича қодирийшунос ёшларни бирлаштириш, уларнинг ижодий мақсадларини рўйбага чиқариш вазифалари кўзда тутилмоқда.

Айниқса, ёшлар томонидан йиғилган таклиф-таъсиялар асосида Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижод йўлига бағишланган музей, онлайн вебинарлар ташкил этиш ёшлар ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Унда миллатпарвар адиб турғусида хужжатли фильм яратиш, "Абдулла Қодирий издoshлари" тўғрагини очиш, Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказиш назарда тутилган. Келгусида университетнинг иқтидорли ёшлари учун Абдулла Қодирий номидаги кўрак нишон ҳамда стипендиясини таъсис этиш ниятда.

Хулоса ўрнида айтганда, адабиёт халқнинг дарди, армони, қадимий ва бетакор маънавиятини ифода қилади. Айниқса, бугунги мурақаб замонда ёшлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадлар йўлида илҳомлантиришга даъват этади. Шубҳасиз, ушбу ташаббуслар ижодкор ёшларимизнинг адабиёт ҳамда санъат, маънавият ва маърифатга бўлган меҳру ихлосини оширишга қўлмай, эътиқодини ҳам мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонамиз.

Садриддин ТУРБОЖОНОВ,
Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ректори,
техника фанлари доктори,
профессор.

AGROBANK

Agrobank Mobile
илҳосини юкляб олинг

GET IT ON
Google Play

Download on the
App Store

www.agrobank.uz
(71) 203 88 88

«Агробанк» АТБ жамоаси барча устозларни 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин дилдан табриклайди!

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, омад ва оилавий хотиржамлик тилайди.

Ёш авлоднинг таълим-тарбияси йўлидаги эзгу ишларингизда улкан ютуқлар ҳамроҳ бўлсин.

5+

ОКТАБРЬ
01

Хизматлар лицензияланган.

ХАЛҚ БАНКИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ҲАМ ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ БИЛАН ТАЪМИНЛАЙДИ

Бугун қанча кўп маош олманг, уй-жой сотиб олиш учун йиллар давомида йиғинишингизга тўғри келади. Ўзингиз ортиқроқ қўлган рўзгорлар қанча?! Фақат бизда эмас, бутун дунёда шундай! Ижарада яшашнинг машаққати захматларини эса бошидан ўтказганлар яхши билади.

Кизиқ тенденция: уй харид қилай десангиз, пул жамғара олмайсиз. Лекин ижара тўловлари учун ойига фалон миқдорда маблағ харажат қилишга мажбурсиз. Айтилик, ипотека кредити олсангиз-у, ўша ижарага тўлаётган пулингизни ойма-ой банкдаги қарзингизни узишга йўналтирсангиз нима бўлади? Албатта, бу — мақбул ечим. Аммо бошланғич бадалнинг ўзи "отнинг қалласидай" суммани ташкил этса-чи?!



Давлатимиз айна шу масалада одамларимиз оғирини енгил қилиш чорасини топди. Бюджет ҳисобидан бўлса-да, юртдошларимизни бошпанали қилишга кўмак кўрсата бошлади. Хусусан, даромади юқори бўлмаган фуқароларга ипотека кредитлари асосида уй-жой сотиб олишлари учун субсидиялар ажратиш амалиёти йўлга қўйилди.

Бу имкониятнинг аҳамиятини тушунайдиганлар учун кичик бир изох: субсидия бу бошланғич бадал ёки кредит фоиз тўловларининг бир қисmini қоплаб бериш мақсадида олинган, Давлат бюджетига қайтариб берилмайдиган маблағдир. Айтилик, сиз субсидия бериш мезонларига мос тушсангиз, уй олиш учун сизга берилган бошланғич тўлов пули давлатимизнинг беғарас ёрдами сифатида қайтариб олинмайди. Субсидия олишга доир мувожазанингизни эса Давлат хизматлари марказлари қабул қилади.

Албатта, ариза топширган ҳар бир талабгорга пул маблағи берилмавермайди. Субсидия таъинлаш учун фуқаролар аниқ мезонлар бўйича танлаб олинади. Даромади юқори бўлмаганлар, кам таъминланган оилалар, ночор, ногиронлиги бор

ҳамда ҳимояга муҳтож хотин-қизлар шундай имкониятга эга бўлишлари мумкин.

Айтиш керакки, айна пайтда Халқ банки ана шундай ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланган. Бироқ банк аҳолига субсидия маблағлари ажратиш билангина чекланиб қолаётгани йўқ. Балки қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорларни ҳамкорликка таклиф этиб, кўп квартиралы уйлارнинг қурилиши учун кредит ажратяпти ва ана шу уй-жойлар сотилишига ҳам кўмаклашмоқда. Бунда Президентимизнинг 2019 йил 28 ноябрдаги "Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосида иш олиб бориляпти.

Ҳўш, бу жараённинг тартиб-қоидалари қандай?

Маълумки, қишлоқ жойларда ер участкалари Қурилиш вазирлиги, Урбанизация агентлиги ва бошқа ташкилотларнинг хулосаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг розилиги олинган ҳолда маҳаллий ҳокимликлар томонидан тадбиркорларга текинга ажратиб берилади. Макромасив шаклида камиди 200 та квартиралы кўп қаватлы уйлар қурилади. Ушбу дастурда иштирок этишни хоҳловчи тад-

биркорлик субъектлари танлов асосида аниқланади. Ер участкаси танлов савдоликда голиб бўлган тадбиркорлик субъектларига электрон аукцион савдоларисиз бепул берилади.

Шаҳарларда ер участкалари Қурилиш вазирлиги, Урбанизация агентлиги ва бошқа ташкилотларнинг хулосаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг розилиги олинган ҳолда маҳаллий ҳокимликлар томонидан "E-IURO AUCTION" яғна электрон савдо майдончаси орқали тадбиркорларга сотилади.

Тадбиркорлик субъектлари ана шу аукционда қатнашади. Голиб пудрат ташкилотига ҳокимият томонидан ер участкасида уй-жой қуриш ҳуқуқи расмийлаштирилади. Шу тарихи пудрат ташкилоты кўп квартиралы уй-жойларни, канализация, электр, газ ва сув таъминоти ҳамда алоқа тармоқларини ўз маблағлари ва банк кредити ҳисобидан қуради.

Қишлоқ жойларда эса ҳудудий ҳокимликлар танлов шартларини белгилайди ва ҳудудий консалтинг марказларига юборади. Ҳудудий консалтинг марказлари танлов шартлари асосида оммавий ахборот воситаларида эълон беради. Тадбиркорлик субъектлари



"тайёр ҳолда топшириш" шартларида) лойиҳаларини оферта қурилишида тақдим этади.

Ҳудудий консалтинг марказлари оферталарини рўйхатдан ўтказди ва танлов комиссияси ишини ташкил этиб, уй-жойларни қурувчи тадбиркорлик субъектларининг малакасини, техник ҳамда тижорат таклифларини ўрганади. Яқунда ҳудудий ҳокимликлар ва танлов савдолари голиби ўртасида пудрат шартномаси тўзилади ҳамда ер участкаси ажратилади. Пудрат ташкилоты уй-жойларни ўз маблағлари ва банк кредити ҳисобидан қуради.

Бу ўринда Халқ банкининг широк қандай бўлади? Банк пудратчи қурилиш ташкилотларига белгиланган тартибда келишилган ва тасдиқланган лойиҳа асосида уй-жойни қуриш (қайта қуриш) ишлари бўйича тўловларнинг депозит ҳисоб рақамларига нақд пулсиз шаклда беради.

Яна бир қувончли янгилик. Президентимизнинг юқоридаги Фармони асосида 2020-2021 йиллар давомида

уй-жой шараитини яхшилашга муҳтож фуқароларни манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллий бюджет даромадларининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан тегишли ҳудуд учун белгиланган субсидиялар миқдорини 1,3 баравар ва суммасини 40 фоизгача оширишга ружаст берилади. Демак, бунёдкорлик ишлари кўлами янада кенгайди.

Кредит суммасининг 50 фоизига-чак, бироқ 8 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда кафилият берилади. Фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмайдиган ва суммаси 20 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, бироқ 10 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисmini қоплаш учун компенсация тўланади.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА (PhD) ИНСТИТУТИГА

2021 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича танлов эълон қилади:

03.00.13	—	Тупроқшунослик — 4 та урин.
06.01.04	—	Агрокимё — 1 та урин.

Танлов мuddати — 2020 йилнинг 15 октябригача.

Қабул Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сонли қарори-нинг 2-илосаси «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида Низом» асосида амалга оширилади.

Талабгорлар ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг <http://phd.mininnovation.uz> сайты орқали рўйхатдан ўтказишлари талаб этилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Камарнас кўчаси, 3-уй. Телефонлар: 71-246-09-50, 71-227-19-80. Факс: 71-246-76-00.

Самарқанд давлат тиббиёт институти жамоаси институти Ижтимоий фанлар кафедраси доценти

Сайфулла СУЙОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроғи Г — 1056. 30 702 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ, Ғофсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Телерадио ахборот хизмати

ТАЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЎМОНЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРМАЙДИ.

Газетанинг отқазиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 01.35 Топширилди — 04.25 1 2 3 4 5 6